Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 200 (6. 689) ◉ 1988 йил 1 сентябрь, пайшанба ◉ Баҳоси 3 тийин

## Тонгги газеталарда

⊙ Бугун — Билимлар куни. «Правда» газетасининг «Мактаб — бизнинг умидимиз» сарлавҳали бугунги бош мақоласида янги ўқув йилида педагоглар коллективлари олдида турган вазифалар ҳақида фикр юритилади.

⊙ 1988 йил Москва вақти билан соат 9 дан 41 минут ўтганда «Союз ТМ-6» космик кемаси «Мир» илмий-тадқиқот комплекси билан туташтирилди. Бугун газеталарда ана шу ҳақда ТАСС ахбороти эълон қилинган.

⊙ «Правда» газетасининг иккинчи саҳифасида берилган «Олдинга... назар ташлайлик» сарлавҳали мақолада газетанинг мактаб мавзуидаги анкетаси саволларига турли касб эгалари — психология фанлари доктори Ш. Амонашвили, КПСС Калуга область Мосальский район комитетининг биринчи секретари А. Артамонов, СССР халқ ўқитувчиси Н. Палтишев ва Москвадаги «Борец» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси директорининг ўринбосари И. Кигас жавоб берадилар.

⊙ «Правда» газетасининг яхлит тўртинчи саҳифаси «Тарих сабоқлари» рубрикаси остида берилган. Саҳифа «Уруш шундай бошланган эди» деб номланади.

⊙ «Известия» газетасининг учинчи саҳифасида берилган «Фақат қонун!» сарлавҳали мақолада ҳуқуқий давлат моҳияти ҳақида фикр юритилади.

## Сўнгги соатда

ТАСС ХАБАРЛАРИ ВА МАРКАЗИЙ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДАН

⊙ **БОНН.** Режага кўра бугун Американинг ГФР территориясида жойлаштирилган «Першинг — 2» ўртача олислик ядро ракеталарини олиб чиқиб кетиш бошланади. ДПА ахборот агентлиги ГФР мудофаа министрлигидан олинган хабарга асосан шуни маълум қилди. Хабарда таъкидланишича, Хайльбронн яқинида жойлашган Вальдхайде базасидаги ракеталарининг биринчи туркуми океан ортига жўнатилади. АҚШда бу ракеталар бўлакларга ажратилиб, ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Совет-Америка Шартномасининг моддаларига мувофиқ тарзда яксон этилади.

Вальдхайде базасидан «Першинг» ядро ракеталарини олиб чиқиб кетиш ўртача ва камроқ олислик ракеталари тўғрисидаги шартномаларни амалга ошириш тўғрисида янги босқичнинг бошланиши бўлади. Ҳозирги вақтда Хайльбронн, Мутланген ва Ной-Ульм базаларида 108 та «Першинг — 2» ракетаси жойлаштирилган, ДПА агентлигининг таъкидлашича, ана шу типдаги яна 24 та ракета Америка қўшинларининг Федератив Республикадаги турли омборларида резерв сифатида сақланмоқда. Бундан ташқари Хассельбахдаги 62 та қанотли ракета ҳам тугатилиши керак. Американинг ўртача ва камроқ олислик ядро ракеталари уч йил мобайнида ГФР территориясидан бутунлай олиб чиқиб кетилиши керак.

⊙ **ВАШИНГТОН.** Техас штатининг Хьюстон шаҳридаги Жонсон номли одам бошқарадиган космик парвозлар марказида кўп марта фойдаланиладиган «Дискавери» космик кемаси экипажининг старт олдидан сўнгги машқлари бошланди. Электрон тренажердаги машқлар чоғида экипаж старт вақтидаги фавқулодда ҳолат рўй берган пайтдаги, масалан кеманинг асосий двигатели ишдан чиққан вақтдаги ҳаракатларини, шунингдек орбитада алоқа йўлдошини жойлаштириш операцияларини пишиқтирмоқда. ЮПИ ахборот агентлигининг хабар беришига қараганда, старт олдидан ўтказиладиган машқ 56 соат давом этади. «Дискавери»нинг учиш вақти ҳозирча узил-кесил аниқланганича йўқ, парвоз тахминан сентябрь ойининг охирида бўлади, деб кутилмоқда.

⊙ **БЕРЛИН.** ГДРнинг инсон ҳуқуқлари учун курашувчи комитети Ғарбий Германия судининг собиқ эс-эсчи, Эрнст Тельманнинг қотили Оттони оқлайдиган ҳукм чиқарганлигини демократик жамоатчилик юзига оёқ қўйиишдир, деб атади. Мазкур комитет раиси Фридель Мальтер хоним ушбу қарорни қоралаб жумладан қуйидагиларни айтди: Германия Коммунистик партияси аъзоларига нацизм йилларида гитлерчилар режими ҳаммадан кўра кўпроқ жабр-зулм ўтказган эди, Коммунистик партия ГФРда 32 йилдан буён тақиқлаб қўйилган, тинчлик ва демократия учун курашаётган минг-минглаб кишилар суд таъқибига учрамоқда, уларнинг ўзига маъқул тушган касб-ҳунар билан шуғулланишларига йўл қўйилмаяпти. Ана шундай шароитда ГФР юстицияси адолатли суд ҳукми чиқарилишига тўсқинлик қилди.

⊙ **ПАРИЖ.** Францияда СПИД билан оғриганлар шу йилнинг 30 июнига қадар 4211 кишига етди. Беморлар орасида 120 бола ҳам бор. Соғлиқни сақлаш министрлигининг ҳафталик махсус эпидемиология бюллетени шу ҳақда хабар берди. Бюллетенда гиёҳвандлар СПИД касалига кўпроқ чалинаётганлигига эътибор қаратилади. 1987 йилнинг биринчи ярмида СПИД касалига йўлиққанлар орасида гиёҳвандлар 13,7 процентни ташкил этган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 18,7 процентни ташкил этади.

⊙ **Шимолий Ирландияда тинмаётган тўқнашувлар қурбонларининг рўйхатини яна уч киши тўлдирди.**

**Рейтер агентлигининг хабар қилишига қараганда, Британия солдатлари қуролланган кишилар ўтирган автомобилга қарата ўт очганлар. Бошқа маълумотларга қараганда биринчи бўлиб ўқни машинада ўтирганлар отишган. Отишма натижасида уларнинг ҳаммаси ҳалок бўлган. Полиция маълумотларига қараганда, ўлганларнинг ҳаммаси Ирландия республикаси армиясининг аъзолари экан.**

⊙ Қўшма Штатларда ўсмирлар ўртасидаги кашандаликка қарши кенг кампания бошланди, деб хабар беради Рейтер агентлиги. Кампания ташкилотчилари мактаб ўқувчилари билан учрашишни, уларга никотиннинг инсон организмига зарарли таъсири ҳақида ҳикоя қилиб беришни режалаштиришмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра бундай суҳбатларни айнан мактабларда ўтказиш фойдалидир. Сабаби, америкалик кашандаларнинг олтмиш проценти сигарет чекишни ўн тўрт ёшларида ўрганишган.

⊙ **Рангун қамоқхонасида маҳбусларнинг исёни бўлиб ўтди. Ана шу ҳақда Бирма радиоси хабар қилди.**

**Ҳукумат манбаларидан олинган маълумотларга қараганда, қўриқчилар билан тўқнашувлар ва келиб чиққан ёнғин натижасида 57 киши ҳалок бўлган.**

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

# Давр талаби

Шу йилнинг январь ойидан бошлаб хўжалик ҳисоби бўйича меҳнат қилаётган Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси чеварлари олти ойлик план топшириқларини сарҳисоб этишганда, катта ютуқларга эришганликлари маълум бўлди. 6 ойда планда кўрсатилган бир миллион 116 минг сўм ўрнига, бир миллион 416 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиниб, 300 минг сўм фойда олинди. Айни кунларда бу пешқадам коллективда бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

— 2 минг 800 кишилик коллективимиздан, — дейди фабрика партия ташкилоти секретари Юрий Гюлумян биз билан суҳбатда, — 320 киши партия аъзоси ҳисобланади. Улар 6 та бошланғич партия ташкилотига бирикиб, фаолият кўрсатишмоқда. Шу кунларда бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар фабрикамиз ҳаётига оид барча муаммо, камчилик ва нуқсонларни гапиришмоқда, уларга амалий чора-тадбир излашмоқда. Бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида давр талабига биноан, ошкоралик, ўз-ўзини танқид, эркин фикр айтиш — амалий кучда деса бўлади...

...3-цех аъзолари ўзларининг ойлик, квартал планларини доимо ўз вақтида бажара бориб, фабрикада пешқадамлардан ҳисобланади. Яқинда шу цех бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда, илғор тикувчи, коммунист Ёқутой Шодиева қуйидаги, ўзини ташвишга солаётган масалани гапирди:

— Сўнгги пайтларда ёш кадрларни тарбиялаш масаласи мени ташвишга солаяпти. Ёшлар ўртасида тикувчилик касбига бўлган қизиқиш сусайгандай, уларнинг аввалгидай сафимизга келиб қўшилиши пасаймоқда. Фабрикамиз оталиққа олган шаҳардаги 2-ўқув ишлаб чиқариш комбинатини тугатган ёшлар фабрикага эмас, бошқа ёққа кетиб қолишмоқда. Бунинг сабаби нимада эканлигига ҳайронман. Бугунги ҳисобот-сайлов йиғилишида, мен фабрика раҳбарларидан шу масалага жиддийроқ ёндошишларини ва чора-тадбирлар кўришларини сўрайман...

Ёқутой Шодиеванинг гапларини унинг ҳамкасблари ҳам маъқуллашди. Фабрика маъмурияти, тикувчиларга бу масалани тез кунда ўрганиб чиқиб, натижаси эълон қилинишини билдирди.

...Хом ашёнинг ўз вақтида етказилиб берилиши ва унинг сифати тикувчилар учун муҳим аҳамият касб этади. 1-цех бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида кўтарилган муаммолардан бири — цех учун керак бўлган хом ашёнинг ўз вақтида етказиб берилаётганлиги ва хом ашёнинг сифати пастлиги бўлди. Бу ҳақда ишчи, коммунист Алишер Мирсоатов қуйидагиларни айтди:

— Кейинги пайтларда цехимиз учун керак бўлган хом ашё ўз вақтида етказилиб берилмаяпти. Келтирилган хом ашёнинг ҳам сифати паст. Бу нарса план-топшириқларимизни бажаришга жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Реализацияга чиқарилаётган маҳсулотларимиз ҳам у қадар харидор талаб эмас... Мен, бугунги ҳисобот сайлов йиғилишидан фойдаланиб, бутун цехимиз ишчилари номидан, фабрика раҳбариятидан бу муаммони тезроқ ҳал этиш зарурлигини сўрайман...

5-цехнинг ҳисобот-сайлов йиғилишида механик Акбар Ёқубов иш ускуналарининг эскириб қолганлигини, уларни янгилаш зарурлигини таъкидлади.

— Умуман, — дейди Юрий Гюлумян, — бўлиб ўтган коллективимиздаги 6 та бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишларидан сўнг, фабрикамиз ҳаётида жиддий ўзгаришлар юз берди. Коммунистлар яна фарзандлари учун ёзин дам олиш лагери ва даволаниш санаторийлари ташкил этиш кераклигини айтишди. 20 октябрда бўладиган фабрика коммунистларининг ҳисобот-сайлов йиғилишигача ишчиларнинг юқорида қайд этилган талаб ва илтимосларига конкрет жавоб беришга ҳаракат қиляпмиз...

Фабрикада ҳисобот -сайлов йиғилишлари билан бирга коммунистлар аттестацияси ҳам қизғин руҳда олиб борилмоқда. Махсус ташкил қилинган аттестация комиссияси шу кунгача 110 нафар коммунистнинг фаолиятини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, тегишли баҳо берди. Шундан 4 коммунист қониқарсиз баҳо олди ва шартли равишда аттестациядан ўтказилди. Булардан технолог М. Шораҳимова, контролёр Ҳ. Улуғхўжаева ташкилотчилик фаолияти йўқлиги ва иш интизомини бузганликлари қайд этилди.

Партиянинг бўлиб ўтган Бутуниттифоқ XIX конференцияси қарорларини ўқиб-ўрганиб, амалга тадбиқ этиб бораётган моҳир чеварлар 20 ноябргача йиллик планларини бажаришга аҳд қилганлар.

Ш. ҲАМРОЕВ.

## Навоий номидаги театр—60 ёшда

**Бугун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театри ўзининг янги ижодий мавсумини бошлади. Шу билан кекса санъат даргоҳи 60 ёшга қадам қўймоқда.**

Янги мавсум композиторлар Мухтор Ашрафий ва С. Василенконинг «Бўрон» операси билан бошланади. Бу асардаги бош ролларни ижро этишда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Т. Ҳусанов, артистлардан Л. Неъматова, Д. Зокирова, Ҳ. Мансуров ва бошқалар қатнашадилар.

**Юбилей мавсуми бошланиши муносабати билан театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ферудин Сатторович Сафаров бундай деди:**

— Театримиз коллективи яқинда Қозоғистон пойтахти Олмаота шаҳридаги гастролдан муваффақият билан қайтиб келди. Биз қозоқ биродарларимизга ўз санъатимизни кўрсатдик, кўп дўстлар орттирдик.

Театр коллективи олтмишинчи мавсумни катта куч ва ғайрат билан бошлаяпти. Биз бу мавсумда Пушкиннинг «Евгений Онегин» асарини саҳналаштириб томошабинлар диққатига ҳавола қиламиз. Бундан ташқари Уйғун асари асосида «Навоий» спектаклини кўрсатиш ниятимиз ҳам бор. Хуллас театрда мавсум давомида бир қатор ишлар амалга оширилади, кўпгина ижодий кечалар бўлади, жойларда маданий хизматлар кўрсатилади.

## Мукофот топширилди

М. Горький номли Владивосток ўлка драма театрининг спектаклларини минглаб томошабинлар келиб кўрдилар.

Совет театр санъатини пропаганда қилишда, республика меҳнаткашларини интернационал руҳда тарбиялашда муҳим роль ўйнаган гастролларни муваффақиятли ўтказганлиги учун Владивосток ўлка драма театри Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

31 август куни театр коллективига республиканинг давлат мукофотини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский топширди.

(ЎзТАГ).



## Тинчлик дарси

Ўтган ҳафтада жаҳон оммаси яна бир эзгуликнинг гувоҳи бўлди: мамлакатимиз шимолида энг даҳшатли ажал қуролларидан бир нечаси портлатилди. Тинчлик сари қўйилган дастлабки илк қадамларни ҳамма табрикламоқда.

Тинчлик. Бу эзгу ва мўътабар сўз Советлар мамлакатида улуғ доҳиймиз В. И. Лениннинг номи билан боғлиқ. Жаҳонда тинчлик ўрнатилишини, унинг доимо барқарор бўлиши учун курашишни пролетариат доҳийси бизга сингдирган. Шунинг учун ҳам Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукумати тинчлик ғалабаси учун одил ва оқил курашмоқда.

Бугун янги ўқув йили бошланиши муносабати билан шаҳардаги 290 та мактабда биринчи дарс — Тинчлик дарси бўлди. Мактаб директорлари, ўқитувчилар, синф раҳбарлари, ветеран педагоглар бу дарсни мазмунли, баҳсларга бой тарзда ўтказишди.

## Тўққизта янги мактаб

Бу йил янги ўқув йилига тайёргарлик кўришда катта ва хайрли иш амалга оширилди. Тошкент бунёдкорлари бир йўла 9 та янги замонавий мактаб биносини қуриб фойдаланишга топширдилар. Бугун ана шу янги мактабларда 1 сентябрь қўнғироғи тантанаси янгради.

«Қўйлиқ — 5» ва «Қўйлиқ— 6», Юнусобод, Луначарский шоссеси, «Алгоритм», «Қизил «Шарқ», Калинин массивлари ва Мухбир кўчасида ҳар бири 1251 ўринли мактаблар ишга туширилди. Бутуниттифоқ партия XIX конференцияси қарорларини амалга ошира бориб шаҳримиз социал-ижтимоий ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Янги мактабнинг ишга тушиши учун давлатимизнинг ўн миллион сўмлаб маблағи сарфланди.

Шаҳардаги 290 та мактабда 316 мингдан зиёд ўқувчи янги ўқув йилида синф хоналарини тўлдирди. 6 ёшида мактабга борган мурғак ўқувчилар 15 минг 300 дир. 7 ёшлилар эса 22 мингдан ортиқ.

Бугун—Билимлар куни

# Ассалом, сентябрь!

ЗАМОНДОШИМИЗ



## Қалб чароғбони

Ўқитувчи! Биргина шу сўз замирида меҳрибон ота-она, моҳир мураббий, заковатли тарбиячи, табаррук устоз, инсон боласини илм боғига чорловчи зиёкор боғбон кўз ўнгимизга келади. Ўқитувчи «Алифбе»нинг биринчи ҳарфидан тортиб, фан оламининг энг баланд чўққиларигача, ҳаётнинг бошланғич сўқмоқларидан бепоён дунёнинг мўъжизакор сирларигача қалбимизга жо-бажо этади. Шунинг учун ҳам устоз-мураббийларга ҳамма вақт дилдан эҳтиром, тилимиздан ширин калом айтамиз. Мактаб остонасига биринчи кун олиб борган ота-онамизни ҳеч қачон унутмаганимиз каби, биринчи синфда биринчи ҳарфларни ўргатган ўқитувчимиз ҳам бир умр қалбимиз тўрида сақланиб қолади.

Биринчи сентябрнинг янги ўқув йили қўнғироқлари жаранглаши билан минг-минглаб ўқитувчиларимиз синфларда севимли ўқувчиларини қабул қилиб олдилар. Ҳабиба опа Алимова ҳам одатдагидек бу ўқув йилида ҳам биринчи синфдан иш бошлади. Ўттиз йилга яқин вақтдан бери Ҳабиба опа фақат бошланғич синфларга дарс бериб келмоқда. Бугун у ишлаётган Куйбишев районидаги 241-мактабда эрта тонгдан шодиёна бўлиб кетди. Биринчи синфга илк қадам қўйган ёш ўқувчиларини Ҳабиба опа онадек меҳр-муҳаббат билан кутиб олди.

Бир доно олим, ҳақиқий ўқитувчида аввало майл ва истеъдод, рағбат ва ҳавас бўлиши, унинг фикр-ёди, завқ-шавқи таълим ва тарбия устида бўлиши, шу билан бирга маънавий қиёфаси, ички дунёси, маданияти, эътибори билан ўз муҳитида намуна бўлиши керак, деган. Бошланғич таълим устаси Ҳабиба опа Алимованинг меҳнат фаолиятида ва борлиқ фазилатларида ана шу хислатлар тўла мужассам топган, «Ҳурмат белгиси» орденини ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини олишга сазовор бўлган.

Ҳабиба опа ўз оиласида ҳам яхши она ва мураббий, қизи Мактубахон онасининг касбини эгаллаш учун Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида қунт билан ўқияпти. Ҳабиба опа шоирнинг мана бу шеърини дилига жо этганини айтдики, биз каломимизни шу билан якунлаймиз:

Билим бойлигига тўймайди одам,
Камаймас бошқага қанча берса ҳам.
Оламда билимдир ганжи бебаҳо,
Ким билим эгаси — ўша подшо.

Т. РАСУЛЕВ.

⊙ СУРАТДА: бошланғич таълим ўқитувчиси Ҳабиба опа Алимова биринчи синф ўқувчилари даврасида.

Т. Каримов фотоси.

## Бўлғуси касб эгалари

**Бугун Тошкентдаги ҳунар-техника билим юртларида янги ўқув йили уюшқоқлик билан бошланди. Ҳунар таълими системасидаги янгиликлар, педагогика коллективларининг вазифалари ҳақида шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармасининг бошлиғи Шавкат Толибович Содиқов гапириб берди:**

— Шаҳардаги 55 та ҳунар-техника билим юртида янги ўқув йили байрамона бошланди. Бу йил уларга 18 минг янги ўқувчи қабул қилинди. Ўқувчиларнинг умумий сони 31 мингдан ошди. Ёшлар 136 хил замонавий касб бўйича билим олиб ҳунар эгаллайдилар. Бир неча янги замонавий касблар жорий этилди. Улар мураккаб техника воситаларини корхоналарда ишлатиш билан боғлиқ бўлган касблардир.

Янги ўқув йили учун 20 минг сўмлик ўқув қуроллари, компьютерлар сотиб олинди.

## Замонавий корпус

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида янги ўқув лаборатория корпуси ишга туширилди. Барча техника воситалари билан жиҳозланган замонавий бу корпусда 400 студент таълим олади.

Институтда янги ўқув йилидан бошлаб чарм-галантерея буюмларини конструкциялаш бўйича янги ихтисослик ҳам жорий этилди. Чунки бу касбни ҳозирда республика халқ хўжалиги талаб қилмоқда.

Институт янги ўқув йили учун Наманган шаҳридаги филиали билан қўшиб ҳисоблаганда бир минг йигит ва қизни ўқишга қабул қилди. Улар тўққизта мутахассислик ва 19 та ихтисослик бўйича таълим оладилар. Институт студентларининг умумий сони 3800 кишига етди.

## Слесарлар учун

Ихтисослашган ҳунар-техника билим юртларида ўқув предмети сифатида слесарлик касби атрофлича ўрганилади. Шуни айтиш керакки, ана шу ихтисосликка доир ўзбек тилидаги ўқув қўлланмалари ҳали етарли эмас.

«Ёш слесарь-ремонтчи справочниги»нинг чоп қилиниши нур устига аъло нур бўлди. Уни «Ўқитувчи» нашриёти яқинда кўп нусхада босиб чиқарди.

Китобда слесарлик касбининг ўзига хос муҳим томонлари атрофлича ёритилган. Ҳунар-техника билим юртларида шу предмет юзасидан амалий машғулотлар олиб боришнинг усул ва методлари ҳам кўрсатиб берилган.

Мазкур нашр саноат корхоналарида меҳнат қилаётган ёш слесарлар учун ҳам зарур қўлланма бўлиб хизмат қилади.

А. АЛИЕВ.

## Ноёб ускуна

**Бугун Тошкент алоқа электротехника институтида ноёб электрон ҳисоблаш машинасини ўрнатиш учун тайёргарлик ишлари бошланди.**

Польша Халқ Республикасидан бир ярим миллион сўмга сотиб олинган бу машина студентларнинг техника сирларини эгаллашларида жуда ҳам қўл келади.

Олий ўқув юртида янги ўқув йили одатдагидек қизғин бошланди. Бешта факультетнинг учта ихтисослиги бўйича 625 йигит ва қиз қабул қилинди. Шундай қилиб бу ерда ҳозирда 2500 ёш таълим олмоқда.

## Рус тилига муҳаббат

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда қайта қуриш ва жадаллаштириш ишлари олиб борилаётган бир пайтда улуғ рус тилига бўлган қизиқиш яна ҳам ошмоқда. Бу тил ўзининг туганмас имкониятлари билан билимларнинг чинакам калитидир. Бу тил Пушкин, Лермонтов, Толстой, Маяковский, Горький, Шолохов тилидир.

Тошкентдаги республика рус тили ва адабиёти педагогика институтида турли миллат вакиллари бу тилни зўр иштиёқ билан ўрганмоқдалар. Шуниси диққатга сазоворки, янги ўқув йилида бу даргоҳга қабул қилинган ёшлар 30 миллат вакилларидир.

Институт янги ўқув йили учун кундузги бўлимга 943, сиртқи бўлимга 400 йигит ва қизни қабул қилди. Шундай қилиб олий ўқув юрти бўйича барча студентларнинг умумий сони 6 мингдан ошди.

Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан студент қурилиш отрядларида меҳнат қилган ёшлар самимий табрикланди. Улар мамлакатимизнинг Олтой, Приморье, Тюмен ўлкаларида бунёдкорлик ишларини олиб бордилар. Ҳар бир студент ўрта ҳисобда 1500 сўмлик иш бажаришга эришди.

## Амалий фикр алмашув

127-ўрта мактабда шаҳар мактабларининг инглиз тили ўқитувчилари тўпландилар. Улар инглиз тили ўқитиш, педагоглар олдида турган муҳим масалалар ҳақида фикр алмашдилар.

Тошкент шаҳар чет тили ўқитувчиларининг бу йилги йиғилиши ўтган йиллардагидан кескин фарқ қилди. Зерикарли, саёз узоқ докладлар бўлмади. Тажрибали ўқитувчи, Октябрь районидаги 102-мактаб илмий мудири Е. В. Подгурская дарс жараёнида таянч жадвалларидан фойдаланиш ва уни тайёрлаш йўллари, 240-мактаб ўқитувчиси В. Г. Вишнякова ўқувчилар оғзаки нутқ-малакасини ривожлантиришда тарқатма материаллардан амалий фойдаланиш ҳақида ўзлари амалда қилган тажрибаларини кўрсатиб, фикр алмашдилар. Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти инглиз тили бўлими методисти Д. Омонова ҳозирги замон чет тили дарсини ўтказишда ўқувчиларни тил ўрганишга қизиқишини уйғотиш йўллари, педагогика фанлари кандидати Ж. Жалолов дарслик, программа ва ундан ўқитувчининг фойдаланиш масалалари ҳақида фикр юритдилар.

Т. МАҲМУДХЎЖАЕВ, 167-мактаб инглиз тили ўқитувчиси.

## Уч қитъа овози

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг хорижий студентлар тайёрлаш факультети бу йил 61 ёшга қадам қўйди. Ўтган давр ичида бу даргоҳни жаҳоннинг уч қитъаси мамлакатларидан минглаб ёшлар битириб чиқди.

**Бугун янги ўқув йилида уч қитъадаги 14 мамлакатдан келган 75 ёш рус тилини ўрганишни бошлади.** Улар орасида Мадагаскар, Бангладеш, Афғонистон, Уганда, Никарагуа, Сьерра—Леоне, Танзания, Мозамбик, Эфиопия ёшлари бор. Факультетда таълим олувчиларнинг умумий сони 220 киши бўлди.

Ўқиш давомида хорижий ёшлар билан дўстлик мавзуларида бир қатор ибратли тадбирлар ўтказилади.

